

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**“ҲАЁТ-ҲАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ” кафедраси**



***“ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ”***

**фанидан мустақил ишларни бажариш  
бўйича**

**МЕТОДИК КЎРСАТМА**

**Тошкент 2012**

Ушбу методик кўрсатма институт Илмий – методик Кенгашининг 2011 йил „2” декабр 3 - сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Ушбу методик кўрсатма 5640100 “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига “Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” кафедрасида ўқитиладиган “Ёнғин хавфсизлиги” фани доирасида мустақил таълим ишларни бажариш учун мўлжалланган.

Фан бўйича талабалар мустақил ишига ажратилган соатлар “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” йўналишининг тасдиқланган ишчи ўқув режасига ва фаннинг ишчи ўқув дастурига мос келади.

**Тузувчилар:** Э.И. Ибрагимов, катта ўқитувчи.  
А.А. Хожиев, ассистент.

**Тақризчилар:** Халилов Р.Д. - Тошкент Давлат аграр университети  
доценти, т.ф.н.

Давронов Ғ., доцент, т.ф.н.

## КИРИШ

Ҳар томонлама етук, интилувчан ва замонавий тасаввурга эга бўлган мутахассислар мустақил давлатимиз тараққиётини ва уни халқаро даражадаги нуфузини кўтарадиган асосий омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги” қонунни муваффақиятли амалга оширишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни бекиёсдир. Чуқур назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда танлаган соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндошган ҳолда муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, таҳлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Бўлажак мутахассисларни замон талабида тайёрлашда, фанларни тўла ўзлаштиришда мустақил ишларни бажариш ҳажми ва сифати жуда ҳам муҳим. Чунки турли соҳаларда ахборот ва билимлар ҳажми жуда жадал суръатлар билан ошиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат аудитория машғулотлари пайтида талабаларга етказиш муаммоли масаладир. Шу боис, ўқув режаларида талабалар мустақил ишларига ажратилган юқламалар ҳажми аудитория дарсларига нисбатан 20...50 % ни ташкил этади.

Талабалар фанлар бўйича мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласа, турли манбалардан (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар, интернет, турли журналлар ва бошқа) билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади. Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз И. Каримов бошчилигида, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёнғиндан муҳофаза қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш борасидаги ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Чунки инсонлар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг ажралмас ва ўта муҳим қисмларидан бири бу – ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Республикада сув ва қишлоқ хўжалигининг юксалтиришда, одамлар турмуш маданиятини ва шароитининг ўстиришда, шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлашиб боришида ва уларни ёнғиндан муҳофазалашда “Ёнғин хавфсизлиги” фанига ва унинг сифат кўрсаткичларига бўлган талаблар ҳам ошиб боради. Ёнғинлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари, жумладан саноат корхоналари, сув ва қишлоқ хўжалиги ва турар жойларда юз бериши мумкин бўлган, етказиладиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиш

даражасида бўлган ходиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши кураш тадбирларини ўзлаштиришда ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар тизимини тўла равишда билишда талабалар мустақил таълим олишларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Мазкур методик кўрсатмада талабаларнинг “Ёнғин хавфсизлиги” фанини ўзлаштиришда мустақил ишларини бажаришни ташкиллаштириш, уларнинг таркиби ва мазмуни, бажариш ва яқунланиши тартиби тўғрисида маълумотлар берилган.

“Ёнғин хавфсизлиги” фани бўйича талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва уни баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 август 286-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома” каби меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган тартиб ва қоидалар асосида юритилиши лозим.

“Ёнғин хавфсизлиги” фани бўйича талабаларни мустақил ишини бажаришини ташкил этиш, назорат қилиш ва уни баҳолаш тартиби Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректорининг 2009 йил 19 октябрдаги 241 А/Ф сонли буйруғи билан амалга тадбиқ этилган “Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғига, ҳамда институт ректорининг 8 октябр 2010 йилдаги 333 А/Ф сонли “Талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида”ги буйруғига асосан амалга оширилади.

Талаба мустақил таълими шакллари ва уларни баҳолаш тартиби “Ҳаёт-фаолияти хавфсизлиги” кафедрасининг 2010 йил 12 октябрдаги 1<sup>М</sup>-сон ва 2011 йил 23 августдаги 1<sup>А</sup>-сон мажлислари қарорларига асосан қабул қилинди.

“Ёнғин хавфсизлиги” фанидан талабаларнинг мустақил ишларининг умумий ҳажми ўқув режага мувофиқ 100 соатни ташкил этади. Ўқув семестри якунида эса, талабанинг фан бўйича мустақил иши бўйича тўплаган рейтинг баллари аудиториядаги ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда умумий балини ташкил этади.

## **1. Мустақил ишнинг мақсади ва унга қўйиладиган талаблар**

Талаба мустақил иши (ТМИ) - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир. Бу тизимли фаолиятни амалга ошириш биринчи курс талабалари учун қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди. Шунинг учун таълим

жараёнида долзарб масалалардан биттаси талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотишдир. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган кўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

“Ёнғин хавфсизлиги” фанидан мустақил ишни ташкил этишдан мақсад талабаларнинг мавзуларни чуқурроқ ўрганиши, билимлари ва малакасини мустаҳкамлашини таъминлашдир.

Фан бўйича мустақил иш топшириқлари муваффақиятли яқунланиши учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

- мақсад (билимни мустаҳкамлаш, янги билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолликни ошириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ҳ.к.)нинг аниқ асосланиши;

- вазифа ва топшириқларнинг аниқ ва равшан белгиланиши;

- топшириқларни бажариш алгоритми ва методларидан талабаларнинг етарли даражада хабардор бўлиши;

- маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш, муаммоли топшириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, айрим муаммоли ҳолатларни биргаликда ҳал қилиш ва ҳ.к.);

- ҳисобот шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш;

- назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий, семинар, лаборатория машғулотлари, консультация учун ёки назорат учун махсус ажратилган вақт; маъруза ёки реферат матни, бажарилган топшириқлар дафтари, назорат ишлари, уй вазифаси дафтари, курс ишлари, тест, мақола, ностандарт топшириқлар, саволлар, мақола, кўргазмали жиҳозлар ва ижодий ишлар; савол-жавоб, бажарилган иш мазмуни ва моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва ҳ.к.).

Талабалар мустақил ишини самарали ташкил этишда: тизимли ёндашиш; барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш; бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш; ташкил этиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

## **2. Талабалар мустақил ишларининг шакли ва мазмуни**

“Ёнғин хавфсизлиги” фанини ўқитиш талабаларнинг умумтаълим ва махсус фанларни ўрганишда орттирган билим ва тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда юқори босқичларда амалга оширилади. Қўйилган вазифалар ўқиш жараёнида талабаларнинг маъруза ва амалий машғулотларида фаол иштирок этиши, ижодий ёндошиши, адабиётлар ва бошқа ахборот манбалари билан мустақил ишлаши ва ўқитувчи кузатувида мустақил таълим олиши билан амалга ошади.

“Ёнғин хавфсизлиги” фани бўйича талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қўйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши керак:

- “Ёнғин хавфсизлиги” фанининг ўзига хос хусусияти ва уни ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

“Ёнғин хавфсизлиги” фанидан талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

- аудиторияда амалга ошириладиган талабалар мустақил ишлари. Бунда ўтилган мавзунини қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид топшириқлар бажарилади;

- аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган талабалар мустақил ишлари. Бунда “Ёнғин хавфсизлиги” фанининг дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ишларга тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар ва ҳ.к.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб бориш керак бўлади.

“Ёнғин хавфсизлиги” фани бўйича талаба мустақил ишини ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- фандан амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- кўргазмалар воситалар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш;
- битирув малакавий иши учун материаллар тўплаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш;

“Ёнғин хавфсизлиги” фанининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади. Топшириқлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотларида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

### 3. “Ёнғин хавфсизлиги” фанидан мустақил ишлар мавзулари

“Ёнғин хавфсизлиги” фанидан тақлиф этиладиган мустақил иш мавзулари ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар, эришилиши кўзланган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган (кўрғазмали воситалар тайёрлашда мавзу талаба томонидан эркин ҳолда, ўқитувчи билан маслаҳатлашиб, танланиши мумкин).

жадвал

#### “Ёнғин хавфсизлиги” фанидан талабалар мустақил ишини бажариш бўйича кўрсатмалар

Т/р	Мустақил иш мавзуси	Соат	Ҳисобот шакли	Ўрганиладиган саволлар	Ишни бажариш бўйича кўрсатмалар*
1	2	3	4	5	6
1	Ўзбекистон Республикасининг ёнғин ва портлаш хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатлари талабларини ўрганиш (“Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, ГОСТ 12.1. 004-85, ГОСТ 12.1. 044-84, ҚМҚ 2.01.02-85, ҚМҚ II -90-81, ҚМҚ 2.09.02-85 ва бошқа.).	6	реферат	1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни. 2. Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги меъёрий - техник ҳужжатлар. 3. Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида ҚМҚ ва давлат стандартлари талаблари.	1, 2, 8, 9, 10, 14, 20, 24, 26, 28, 30, 34, 35, 37, 41, 42, 44, 45.
2	Сув ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган модда ва материалларнинг ёниш ва портлашга бўлган хоссаларини, ҳамда уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ўрганиш.	6	реферат	1. Сув, ҳаво ва ўзаро таъсир натижасида ёниб кетувчи моддалар. 2. Ёнувчи моддаларнинг агрегат ҳолатлари. 3. Газ, суюқ ва қаттиқ моддаларнинг ёниш ва портлашга бўлган хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар.	1, 2, 3, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 18, 19, 30, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52.

жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
3	Сув ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган замонавий технологияларнинг ёниш ва портлаш хавфсизлиги бўйича категорияларга бўлинишини ўрганиш.	8	реферат	1. Замонавий технологик жараёнларда ёниш ва портлаш хавфсизлигини шакллантирувчи омиллар. 2. Замонавий технологияларнинг ёниш ва портлаш хавфсизлиги бўйича категориялари. 3. Турли категорияларга кирувчи технологик жараёнларга мисоллар.	1, 2, 3, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 15, 14, 16, 18, 19, 28, 30, 34, 35, 42, 43, 44, 45, 46, 51.
4	Сув ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ёниш ва портлаш хавфларини башорат қилиш услубларини ўрганиш.	6	реферат	1. Корхоналарининг ёниш ва портлашга хавфлилигини шакллантирувчи омиллар. 2. Корхоналарининг газ ва суюқлик буғлари бўйича ёниш ва портлашга хавфлилигини башорат қилиш услуби.	1, 2, 3, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 15, 14, 16, 18, 19, 28, 30, 34, 35, 42, 43, 44, 45, 46, 51, 52.
5	Ёниш жараёнининг турларини ва ёнишда юзага келадиган физик-кимёвий жараёнларни ўрганиш.	6	реферат	1. Ёниш жараёни содир бўлишининг шартлари. 2. Турли кўрсаткичлар бўйича ёнишнинг турлари. 3. Ёнишдаги физик – кимёвий жараёнлар.	1, 2, 3, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 15, 14, 16, 18, 19, 28, 30, 34, 35, 42, 43, 44, 45, 46, 51, 52.
6	Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган модда ва материалларнинг ўз-ўзидан алангаланиш шарт-шароитларини	6	реферат	1. Ўз-ўзидан алангаланиш ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар. 2. Модда ва материалларнинг ўз-ўзидан алангаланиши	1, 2, 3, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 26, 30, 42, 43, 44, 45, 46, 47.



жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
	ва уни тавсифловчи кўрсаткичларни ўрганиш.			юзага келиши шарт-шароитлари. 3. Ишлаб чиқаришда ўз-ўзидан алангаланишнинг олдини олиш тадбирлари.	
7	Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган модда ва материалларнинг ўз-ўзидан ёниш шарт-шароитларини ва уни тавсифловчи кўрсаткичларни ўрганиш.	6	реферат	Ўз-ўзидан ёниш ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар. 2. Модда ва материалларнинг ўз-ўзидан ёниши юзага келиши шарт-шароитлари. 3. Ишлаб чиқаришда ўз-ўзидан ёнишнинг олдини олиш тадбирлари.	1, 2, 3, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 26, 30, 42, 43, 44, 45, 46, 47.
8	Модда ва материалларнинг ёниш ва портлашга хавфлилигининг температурага, босимга ва бошқа омилларга боғлиқлигини ўрганиш.	6	реферат	1. Модда ва материалларнинг ёниш ва портлашга хавфлилигининг температурага ва босимга боғлиқлиги. 2. Модда ва материалларнинг ёниш ва портлашга хавфлилиги шакллантирувчи омиллар.	1, 2, 3, 8, 9, 10, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 26, 30, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51,52.
9	Ёниш ва портлаш жараёнларини ўрганишда кимёвий термодинамиканинг аҳамиятини ўрганиш.	6	реферат	1. Ёниш жараёнини ўрганишда термокимё қонунларининг аҳамияти. 2. Кимёвий термодинамика элементлари. 3. Термодинамика қонунлари. 3. Энтропия ва унинг моҳияти.	1, 2, 3, 8, 9, 10, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 26, 30, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51,52.

жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
10	Ёнишдаги термодинамик жараёнларни ва уларни тавсифловчи физик кўрсаткичларни ўрганиш.	6	реферат	1. Термодинамик жараёнлар турлари. 2. Ёнишни ўрганишда изохорик, изобарик ва адиабатик жараёнлар ва уларни тавсифловчи катталиклар. 3. Энтальпия ва унинг моҳияти.	1, 2, 3, 8, 9, 10, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 26, 30, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52.
11	Газсимон, суюқ ва каттиқ моддаларнинг ёниши ва портлашининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.	6	реферат	1. Газсимон моддаларнинг ёниши ва портлашининг ўзига хос хусусиятлари. 2. Суюқ моддаларнинг ёниши ва портлашининг ўзига хос хусусиятлари. 3. Қаттиқ моддаларнинг ёниши ва портлашининг ўзига хос хусусиятлари.	1, 2, 3, 8, 9, 10, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 26, 30, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52.
12	Портлаш турлари ва уларнинг содир бўлиш шарт – шароитларини ўрганиш.	6	реферат	1. Портлаш жараёни ва унинг турлари. 2. Портлашларнинг ўхшашлик томонлари. 3. Кимёвий ва физик портлашлар, уларнинг юзага келиш шароитлари.	1, 2, 3, 8, 9, 10, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 26, 30, 42, 43, 44, 45, 46, 47.
13	Портлашда юзага келадиган зарар етказувчи омиллар ва уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ўрганиш.	6	реферат	1. Портлашда юзага келадиган асосий зарар етказувчи омиллар турлари. 2. Хаво тўлқини зарбаси ва тавсифловчи кўрсаткичлар. 3. Портлашда майда бўлақларнинг ҳосил бўлиши ва учиши.	1, 2, 3, 8, 9, 10, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 26, 30, 42, 43, 44, 45, 46, 47.

жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
14	Технологик жараёнларда портлаш содир бўлиш шарт – шароитларини ўрганиш.	6	реферат	1. Технологик жараёнларда портлаш хавфсизлигини таъминлаш аҳамияти. 2. Технологик жараёнларда портлаш хавфсизлигига таъсир қилувчи асосий омиллар. 3. Технологик жараёнларда портлаш хавфсизлигини таъминлашнинг асосий қоидалари.	1, 2, 3, 5, 7, 8, 9, 10, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 30, 34, 35, 37, 42, 44, 45, 48.
15	Технологик жиҳозларда портлаш содир бўлишни бартараф қилувчи техник қурилмалар тузилиши ва ишлаш принципларини ўрганиш.	6	реферат	1. Технологик жиҳозларда портлаш содир бўлишни бартараф қилувчи техник қурилмалар ва уларнинг турлари. 2. Технологик жиҳозларда портлаш содир бўлишни бартараф қилувчи техник қурилмаларнинг ишлаш принциплари. 3. Технологик жиҳозларда портлаш содир бўлишидан огоҳлантирувчи автомат хабар бериш воситаларининг турлари ва ишлаши.	1, 2, 3, 5, 7, 8, 9, 10, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 30, 34, 35, 37, 42, 44, 45, 48.
16	Технологик машиналарни ишлатишда ёниш ва портлаш содир бўлишининг олдини олиш тадбирларини ўрганиш.	8	реферат	1. Технологик машиналарни ишлатишда ёниш ва портлаш содир бўлишининг олдини олишнинг аҳамияти. 2. Технологик машиналарни	1, 2, 3, 5, 7, 8, 9, 10, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 26, 27, 28, 30, 34, 35, 37, 40,

1	2	3	4	5	6
				ишлатишда ёниш ва портлаш содир бўлишининг олдини олишнинг асосий тадбирлари. 3. Технологик машиналарни ишлатишда ёниш ва портлаш содир бўлишининг олдини олишдаги замонавий тенденциялар.	42, 44, 45, 47, 48.

\* Изох Фойдаланиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати бўйича тартиб рақами.

#### 4. Мустақил ишларни бажариш бўйича тавсиялар.

“Ёнғин хавфсизлиги” фани бўйича талаба мустақил ишини ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда кўрсатманинг 2 бандида келтирилган шакллардан фойдаланиш мумкин. Мустақил ишларни бажаришда уларнинг шаклларига боғлиқ ҳолатда қуйида келтирилган тавсиялардан фойдаланиш мумкин.

**Мавзуни мустақил ўзлаштириш.** “Ёнғин хавфсизлиги” фанининг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб фанининг ишчи дастурида мустақил ўзлаштириш учун киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиқ беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда “Ёнғин хавфсизлиги” фанига оид ўқув адабиётларидан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадидлар, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар.

Мавзуни баён этиш учун дарс жараёнидаги режа асосида ва унга қўшимча қилган ҳолда конспектлаштиришлари лозим. Мавзуни баён этувчи конспект талабанинг дафтарида ҳажми 5 бетдан кам бўлмаслиги лозим. Шунингдек, мавзуга доир, таянч иборалар ва уларга изох берувчи глоссарийлар тузилиши лозим. Таянч иборалар сони мавзунинг кўламадан келиб чиққан ҳолда 15 тадан кам бўлмаслиги лозим. Топшириқ охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва интернет сайтлари (7-бўлимдаги каби) тартиби бўйича акс эттирилиши лозим.

Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар.

Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади. “Ёнгин хавфсизлиги” фани бўйича талаба мустақил ишни ташкил этишининг ушбу шаклида қуйидаги мавзуларни ўрганишлари мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг ёнгин ва портлаш хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатлари талабларини ўрганиш;
- Сув ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ёниш ва портлаш хавфларини башорат қилиш услубларини ўрганиш;
- Модда ва материалларнинг ёниш ва портлашга хавфлилигининг температурага, босимга ва бошқа омилларга боғлиқлигини ўрганиш ва б.

### Намуна

**МАВЗУ.** *Ўзбекистон Республикасининг ёнгин ва портлаш хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатлари талабларини ўрганиш.*

*Режа:*

1. *Ўзбекистон Республикасининг “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни.*
2. *Ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги меъёрий -техник ҳужжатлар.*
3. *Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида ҚМҚ ва давлат стандартлари талаблари.*

### **Таянч иборалар:**

*Ёнгин; ёнгин хавфсизлиги; ёнгин назорати; ёнгинлар профилактикаси; ёнгиндан сақлаш хизмати; ёнгин хавфсизлиги талаблари; ёнгин-техник маҳсулот; ёнгинга қарши режим; ёнгинга қарши алоҳида режим; ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тизими; ёнгиндан сақлаш хизмати; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; ёнгин хавфсизлиги талабларини ўз ичига олган норматив-техник ҳужжатлар, ёнгинга қарши тарғибот; ёнгинга қарши ҳимоя тизимлари ва воситалари; ёнгинга қарши аслаҳа-анжомлар.*

**Реферат тайёрлаш.** Талабага қийинчилик даражаси унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Реферат талаба томонидан қўлёзма равишда тайёрланиши лозим. Реферат ҳажми 6-7 бетдан кам бўлмаслиги ва фойдаланилган манба матнда ўз аксини топиши лозим.

Реферат шаклидаги мустақил иш А4 форматдаги варақда қўлёзма шаклида бажарилади. Варақда матн чегаралари чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, тепадан ва пастдан 20 мм бўлиши лозим. Реферат шаклидаги мустақил ишнинг титул варағи 1-илова бўйича расмийлаштирилиши лозим. Бунда талаба “Ёнгин хавфсизлиги” фанига оид асосий адабиётлардан ташқари кўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади.

Талабани баҳолашда мавзуни ёритишдаги фаоллиги ва уни уни баён қилиши ҳамда кўшимча саволларга жавоб бера олишига эътибор бериледи. Мустақил иш охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва интернет сайтлари (7-бўлимдаги каби) тартиби бўйича акс эттириши лозим. Зарур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади. Яқунланган реферат кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

#### **Намуна**

**МАВЗУ.** *Сув ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган модда ва материалларнинг ёниши ва портлашга бўлган хоссаларини, ҳамда уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ўрганиши.*

*Режа:*

*Кириш;*

- 1. Сув, ҳаво ва ўзаро таъсир натижасида ёниб кетувчи моддалар.*
- 2. Ёнувчи моддаларнинг агрегат ҳолатлари.*
- 3. Газ, суюқ ва қаттиқ моддаларнинг ёниши ва портлашга бўлган хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар.*

*Хулоса;*

*Фойдаланилган адабиётлар.*

#### **Таянч иборалар:**

*Ёниши жараёни; ёнгин; ёнгин хавфсизлиги; ёнувчи моддалар; ёнувчи моддаларининг гуруҳланиши; ёнувчи газлар; ёнувчи суюқликлар; ёнувчи қаттиқ моддалар; чақнаш температураси; алангаланиш температураси; ўз-ўзидан алангаланиш температураси; алангаланиш соҳаси; алангаланишнинг пастки концентрация чегараси; алангаланишнинг юқори концентрация чегараси; алангаланишнинг концентрация чегаралари; алангаланиш соҳаси (алангаланишнинг температура чегаралари билан); алангаланишнинг пастки температура чегараси; алангаланишнинг юқори температура чегараси.*

Рефератни ёзишда талаба мавзунинг кириш қисмида шу мавзуга оид умумий маълумотларни, ҳуқуқий-ташқилий томонларни ёритади. Асосий қисмида эса мавзуга оид асосий маълумотлар, қўлланиладиган асбоб ускуналар, муаммони ечишга қаратилган услуб ва воситаларни ва бартараф этиш тадбирларини келтиради. Бунда талаба “Ёнгин хавфсизлиги” фанига оид асосий адабиётлардан ташқари кўшимча адабиётлардан, монографиялар, илмий, услубий мақолалар, интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материалларидан фойдаланади.

**Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш.** Талабага бирон-бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи танлаши ҳам мумкин) илмий (рефератив) тусдаги мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш тошпирилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплайди, таҳлил қилади, зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда кўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди.

Тайёрланган мақола, тезис ёки маъруза кафедрада ҳимоя қилинади.

**Битирув малакавий иши учун материаллар тўплаш.** Талаба танлаган битирув малакавий иши мавзуси бўйича (мавзуни талабанинг ўзи эркин равишда ёки корхоналардан берилган буюртмалар асосида танлаши мумкин) маълум бир объектдаги ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш бўйича материаллар йиғиши ва уларни таҳлил қилиши мумкин. Йиғилган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида корхонада ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўл қўйилган камчиликларни аниқлайди, ҳамда шахсий тажрибаси ва билимларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди, камчиликларни бартараф қилиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Тўпланган материаллар, таҳлил натижалари, ишлаб чиқилган тадбирлар ва хулосалар келажакда битирув малакавий иши таркибига киритилиши мумкин. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди.

**Амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш.** Бир мавзу ёки бўлим бўйича ностандарт, алоҳида ёндашиш талаб қилинадиган, назарий аҳамиятга эга бўлган амалий топшириқлар, ижодий ёндашиш талаб қилинадиган илмий-ижодий вазифалар, моделлар, макетлар, намуналар яратиш вазифаси топширилиши мумкин. Амалий топшириқлар масалани ҳал қилишнинг мақбул вариантларини излашга ва топишга қаратилган бўлиши керак.

Талабанинг қизиқиш ва қобилиятига қараб, унга илмий характердаги топшириқлар бериш, ўқитувчи билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва чоп эттириш мумкин.

## **5. Мустақил ишларни қабул қилиш ва баҳолаш тартиби**

### **5.1. Мустақил иш режасини тузиш ва ишларни бажариш жараёнини назорат қилиш.**

Талаба мустақил ишни бажариш учун юқорида келтирилган жадвалдаги мавзулардан биттасини ўзининг гуруҳ журналидаги тартиб рақами бўйича олади. Жадвалда 16 та мавзу бўлганлиги сабабли 17- ва ундан кейинги рақам остидаги талабалар мавзу танлашни яна жадвал бошидан бошлашади.

Ҳар бир талаба мустақил ишни бажаришнинг режасини тузишда илмий раҳбар билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириши керак. Бу ҳолат ишни бажаришда кўчирмачилик ҳолатларининг олдини олишга ҳам ёрдам беради.

Талаба мустақил ишини назорат қилиш кафедрада ишлаб чиқилган жадвал ва фаннинг технологик харитаси асосида олиб боровчи профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Талабанинг рейтинг кўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича ҳам, факультетнинг анъанавий гуруҳ рейтинг ойнасида ёки махсус электрон тармоғида ёритиб борилади. Талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ва факультет Илмий кенгашида тасдиқланади. Талаба мустақил ишини баҳолаш амалдаги рейтинг тизими бўйича олиб борилади.

“Ёнғин хавфсизлиги” фани бўйича мустақил ишларни баҳолаш мезонлари

талабаларга ўқув йили бошланиши олдидан услубий материаллар билан биргаликда тарқатилади. Талаба мустақил иши натижалари амалдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом"га асосан институт ректорининг 8 октябр 2010 йилдаги 333 А/Ф сонли "Талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими тўғрисида"ги буйруғига асосан амалга оширилади. "Ёнғин хавфсизлиги" фани бўйича мустақил иш мавзулари ва баҳолаш меъзони кафедра мажлиси қарорига биноан амалга оширилади. "Ёнғин хавфсизлиги" фани юзасидан талабаларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равишда талабалар гуруҳларида, кафедра йиғилишлари ва факультет Илмий Кенгашларида муҳокама этиб борилади.

Талабанинг мустақил иши материаллари кафедра архивида рўйхатга олинади ва ўқув йили мобайнида сақланади.

## **5.2. Мустақил ишни самарали амалга ошириш учун томонларнинг вазифалари**

### **5.2.1. Кафедранинг асосий вазифалари**

Кафедра томонидан мустақил ишни амалга оширишда қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак.

- мустақил иш мавзуларини тасдиқлаш ва қайта кўриб чиқиш;
- талаба мавзуни ўрганишда унга керакли кўрсатмалар ва амалий ёрдам бериш;
- талабага илмий раҳбарларни тайинлаш ва бириктириш;
- талабанинг ишини тайёрлаши учун режани тасдиқлаб бериш ва унинг вазифасини бажаришини назорат қилиш;
- талаба томонидан бажарилган ишнинг сифатига тақриз беришдан иборат бўлади.

### **5.2.2. Илмий раҳбарнинг вазифалари**

Талабанинг илмий раҳбари ишга раҳбарлик қилишда қуйидаги вазифаларни бажариши керак.

- талаба ишни бажариши учун вазифани тасдиқлаб бериши;
- ишнинг режасини тузишда талабага ёрдам бериши ва адабиётларни тавсия этиши;
- талабанинг режасини тасдиқлаши, режа бўйича мунтазам равишда ишни текшириши, маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериши;
- талаба ишни бажаришида ташкилий ва услубий йўналишлар бериб бориши.

### **5.2.3. Талабанинг вазифалари**

Талаба мустақил ишни бажариш жараёнида қуйидагиларни бажариши лозим:

- ишнинг мавзусини кафедранинг талабларидан келиб чиққан ҳолда танлаш;



- илмий раҳбарнинг тузиб берган режаси асосида берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши;
- ўрнатилган тартиб бўйича мустақил ишнинг ҳисоботини ўз вақтида кафедрага тақдим этиши керак.

### **5.3. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар ташкил этиш тартиби**

1. “Ёнғин хавфсизлиги” фанидан талабалар мустақил иши бўйича консультация дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ташкил қилинади.

2. Талабалар мустақил иши бўйича консультация дарси фаннинг календар-тематик режасига мувофиқ ўтказилади.

3. Консультация дарси тегишли фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

4. Фан ўқитувчиси консультация дарсида қуйидаги ишларни амалга оширади:

- талабалар мустақил иши топшириқларини бажариш юзасидан тегишли йўлланма беради;
- топшириқни бажариш режасини тузишга ёрдамлашади;
- тегишли адабиётлар ва ахборот манбаларини тавсия қилади;
- талабалар мустақил иши юзасидан тайёрланган ишланма, ҳисобот, реферат, ҳисоб-китоб ва топшириқ натижаларини қабул қилади ҳамда баҳолайди.

5. “Ёнғин хавфсизлиги” фанидан талабалар мустақил иши бўйича консультация талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида дарс жадвалига киритилади.

#### **Намуна**

Ҳафта кунлари	Жуфтлик	Фан номи	Аудитория	Машғулот тури	Ўқитувчининг Ф.И.Ш.
Душанба		ЁХ		Маъруза	
Пайшанба		ЁХ		Маъруза	

6. Талабалар мустақил иши бўйича консультация дарслари ўқитувчи журналида қайд этиб борилади.

## **6. Мустақил ишни бажаришга тайёргарлик**

### **6.1. Адабиётларни танлаш**

Талаба “Ёнғин хавфсизлиги” фани бўйича мустақил ишни самарали бажариши учун шу фанга тааллуқли бўлган барча турдаги адабиётларни ва манбаларни кўриб чиқиш лозим.

- махсус;
- илмий;

- илмий-оммобоп;
- маълумотномалар, шу жумладан статистик;
- умумий.

## **6.2. Адабиётларни ўрганиш ва асосий маълумотларни йиғиш**

Адабиётларни ўрганишдан олдин яна бир бор мавзунини тўғри танланганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Талаба адабиётларни мустақил ва тўғри танлаши керак. Манбаларни тўплашда талаба унинг чоп этилган йилига ҳам алоҳида эътибор бериши лозим. Эски манбалардан олинган маълумотлар бугунги кундаги долзарб ҳисобланган муаммоларни ечишда унчалик аҳамиятли бўлмай қолади.

Талаба бир нечта манбаларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўзига энг маъқул деб топган маълумотларни олгандагина олиб борган мустақил иши самарали бўлади.

## **7. Мустақил ишни бажариш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

### **7.1. Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар**

1. Ёнғин хавфсизлиги.2-нашри./А.Е. Худоев таҳрири остида. –Т.: Ўз.Р. ИИВ ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби. 2007. – 722 б.
2. Луковников А.В. Меҳнат муҳофазаси. Тошкент, Ўқитувчи, 1984.
3. Қудратов О. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Тошкент, Меҳнат, 2000.
4. Нурматов Ж. Ва бошқалар. Иссиқлик техникаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1998, 256 б.
5. Духанин Ю.А. Справочник по технике безопасности противопожарной технике и промышленной санитарии. М: Судостроения.1969.
6. Акимов Н.И., Ильин В.Г. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш объектларида граждан мудофааси. Тошкент, „Меҳнат“, 1989.
7. Тожиев М. ва бошқалар. Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси. Тошкент, „Иқтисод. молия“, 2005.
8. Пожарная безопасность. Взрывобезопасность: Справочник /Под.ред. А.Н. Баратова. –М.: Химия, 1987. 272 с.
9. Пожарная опасность строительных материалов. /Под. ред. А.Н. Баратова. –М.: Стройиздат, 1988. 380 с.
- 10.Пожарная опасность веществ и материалов. Справочник /Под. общ. ред. И.В. Рябова. Часть 1-2. –М.: Стройиздат, 1965-1970.

### **7.2. Қўшимча адабиётлар**

11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон", 2004.
12. Ислом Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". –Т.: "Ўзбекистон", 1997.
13. Ислом Каримов. "Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон

- шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари". –Т.: "Ўзбекистон", 2009.
14. "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2009 й., 40-сон.
  15. Норхўжаев А.Қ., Юнусов М.Ю. Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари. Тошкент, „Университет“, 2001.
  16. Қудратов О.Қ. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси. Тошкент, “Янги авлод”, 2005 й.
  17. Отахонов М. Қурилишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси. Тошкент. Меҳнат, 1991.
  18. Долин П.А. Справочник по технике безопасности. М.: Энергоатомиздат, 1985.
  19. Йўлдошев Ў. Р. Ёнгин хавфсизлиги асослари. Тошкент, 1995.
  20. “Ўзбекистон Республикасида давлат ёнгин назорати тўғрисида НИЗОМ”, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги 227-сонли қарори. Тошкент, 1993 й.
  21. “Мулкчилик шаклларида қатъи назар, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмаларнинг саноат корхоналари ва бошқа объектларидаги кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари тўғрисида НИЗОМ”. Маҳкамасининг 1995 йил 29 июндаги 243-сон қарори. Тошкент, 1995 й.
  22. “Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари тўғрисида НИЗОМ”. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июндаги 243-сон қарори. Тошкент, 1995 й.
  23. “Саноат корхоналари ва бошқа объектлардаги ёнгин-техника комиссиялари тўғрисида НИЗОМ”. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июндаги 243-сон қарори. Тошкент, 1995 й.
  24. “Ўзбекистон Республикаси объектларида, шаҳарларида, шаҳар кўринишидаги шаҳарчаларда, туманларнинг марказларида ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда ички ишлар вазирлигининг ёнгин соқчилигини ташкил этиш тартиби тўғрисида”. Вазирлар Маҳкамасининг 112-сонли қарори, Тошкент ш., 1996 йил 20 март.
  25. “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ҳарбийлаштирилган ёнгин соқчилигини мустаҳкамлаш тўғрисида”. Вазирлар Маҳкамасининг 197-сонли қарори, Тошкент, 1997 йил 16 апрель.
  26. “Энергетик корхоналар учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ қарори, Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 16-сон, 194-модда.
  27. “Ёнгинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнгинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби ҳақида НИЗОМ”. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 13-сонли қарори, Тошкент, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 41-модда.
-

28. “Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2010 йил 12 июндаги 66-сон буйруғи билан тасдиқланган. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 236-модда.
29. “Ёнғин хавфсизлиги” журнали.

### Интернет сайтлари.

30	<a href="http://www.bilim.uz">www.bilim.uz</a>	-	Вазирлик сайти
31	<a href="http://www.ziyo.edu.uz">www.ziyo.edu.uz</a>	-	Вазирлик сайти
32	<a href="http://www.agro.uz">www.agro.uz</a>	-	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти.
33	<a href="http://www.mintrud.uz">www.mintrud.uz</a>	-	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.
34	<a href="http://www.mvd.uz">www.mvd.uz</a>	-	Ички ишлар вазирлиги сайти.
35	<a href="http://www.mchs.gov.uz">www.mchs.gov.uz</a>	-	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайти.
36	<a href="http://www.uznature.uz">www.uznature.uz</a>	-	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси сайти.
37	<a href="http://www.standart.uz">www.standart.uz</a>	-	Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги сайти.
38	<a href="http://www.v-nadzor.uz">www.v-nadzor.uz</a>	-	Қатта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси (Давсувхўжаликназорат) сайти.
39	<a href="http://www.sanoatktn.uz">www.sanoatktn.uz</a>	-	Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (Саноатконтехназорат) сайти.
40	<a href="http://www.energonazorat.uz">www.energonazorat.uz</a>	-	Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўздавэнергоназорат) сайти.
41	LexUz	-	Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилик базаси.
42	<a href="http://www.hsea.ru">http://www.hsea.ru</a>	-	Охрана труда. Промышленная и пожарная безопасность. Предупреждение ЧС.
43	<a href="http://www.meduhod.ru">http://www.meduhod.ru</a>	-	Первая медицинская помощь.
44	<a href="http://www.oхранatruda.ru">www.oхранatruda.ru</a>	-	Охраны труда, технике безопасности и пожарной безопасности.
45	<a href="http://otipb.narod.ru/">http://otipb.narod.ru/</a> <a href="http://otipb.ucoz.ru/">http://otipb.ucoz.ru/</a>	-	Интернет справочник "Охрана труда и пожарная безопасность".
46	<a href="http://www.normativinfo.com/">www.normativinfo.com/</a>	-	Неофициальный сайт нормативных документов.
47	<a href="http://ipb.mos.ru/ttb">http://ipb.mos.ru/ttb</a>	-	Интернет журнал “Технологии техносферной безопасности”
48	<a href="http://fn.bmstu.ru/phys/b">http://fn.bmstu.ru/phys/b</a>	-	Термодинамика: электронный учебник по

	<u>ib/I-NET</u>		физике.
49	<a href="http://kontren.narod.ru">http://kontren.narod.ru</a>	-	КонТрен – Химия для всех: учебно-информационный сайт.
50	<a href="http://www.alhimikov.net">http://www.alhimikov.net</a>	-	Сайт Alhimikov.net: учебные и справочные материалы по химии.
51	<a href="http://www.xumuk.ru">http://www.xumuk.ru</a>	-	ХиМиК.ру: сайт о химии.
52	<a href="http://rushim.ru/books/books.htm">http://rushim.ru/books/books.htm</a>	-	Электронная библиотека по химии и технике.

### **7.3. Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари**

53. Мультимедийный фильм. Новый огнетушитель Шар-1.

54. Мультимедийный фильм. Они принимают бой.

Талаба мустақил иши муқовасини расмийлаштириш намунаси.

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

“ҲАЁТ-ҲАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ” кафедраси

**“ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ”**

фанидан

**МУСТАҚИЛ ИШИ**

*МАВЗУ. Ёнгин хавфсизлиги бўйича меъерий – техник  
ҳужжатларни ўрганиш.*

Бажарди:  
ҲФХ йўнал.  
\_\_\_ босқич \_\_\_ гуруҳ  
талабаси

\_\_\_\_\_

Қабул қилди:

\_\_\_\_\_

Тошкент – 201\_

## Мундарижа

Кириш .....	3
1. Мустақил ишнинг мақсади ва унга қўйиладиган талаблар .....	4
2. Талабалар мустақил ишларининг шакли ва мазмуни .....	5
3. “Ёнғин хавфсизлиги” фанидан мустақил ишлар мавзулари .....	7
4. Мустақил ишларни бажариш бўйича тавсиялар .....	11
5. Мустақил ишларни қабул қилиш ва баҳолаш тартиби .....	15
6. Мустақил ишни бажаришга тайёргарлик .....	17
7. Мустақил ишни бажариш учун тавсия этиладиган адабиётлар.....	18
8. Илова. Талаба мустақил иши муқовасини расмийлаштириш намунаси .....	21

**ИБРАГИМОВ ЭРКИН ИСМАИЛОВИЧ**  
**ХОЖИЕВ АЛИАКБАР АБДУМАННОПОВИЧ**

**“ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ”**

**фанидан мустақил ишларни  
бажариш бўйича**

**(МЕТОДИК КЎРСАТМА)**

**МУҲАРРИР:**

**М. МУСТАФАЕВА**

Босишга рухсат этилди „\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2012 й.  
Қоғоз ўлчами 60x84 1/16. Ҳажми 1,2 босма табоқ. 8 нусха.  
Буюртма № \_\_\_\_\_ ТИМИ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент-100000. Қори-Ниёзий кўчаси 39 уй.